

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th October - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ҚЎЗИЛАР ҲАЗМ ЖАРАЁНИГА ПАСТ ИНТЕНСИВЛИКДАГИ ЛАЗЕР НУРИ БИЛАН ТАЪСИР КЎРСАТИШ

Ахроров Маъруф Насимжонович

ассистент, Физика, биофизика ва тиббий физика кафедраси, Самарқанд

Давлат тиббиёт университети, Самарқанд. Ўзбекистон

sammimaruff@inbox.uz

КАЛИТ СЎЗЛАР:Биофизик усул, лазер, хайвонлар,аналог кўзилар, кўзиларни ҳаётчанлиги, айрисимон без, тажриба гуруҳи, маҳсулдорлик, вазн, паст интенсив, хазм бўлиш, ем-хашак, озикланиш, катта қорин, кавш кайтариш, кўшимча озика, оқсил.

Кириш. Чорвачиликнинг кўйчилик ва эчкичилик тормоқлари билан шўғулланувчи фермер хўжаликларининг асосий мақсади, экологик ноқулай шароитда урчитилаётган майда шохли яйлов хайвонларнинг яшовчанлигини ўзайтириш, олинадиган гушт маҳсулотларини миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаган ҳолда, бозорни экологик тоза чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини ижобий ечимига қаратилган.

Материаллар ва усуллар. Дунёнинг чорвачилик ривожланган мамлакатларида саноат асосида урчитилаётган чорва моллари ҳаётининг турли босқичларида генетик жиҳатдан юқори сифатли маҳсулдорлик эга имкониятларни келтириб чиқарувчи усулларни амалга ошириш мақсадида лазерли технологиялардан фойдаланиш жуда самарали ҳисобланади[1,2]. Бошқа биологик усулларга нисбатан биофизикавий усулларнинг устиворлик томони шўндаки, кўрсатиладиган таъсир, айниқса паст интенсивликдаги интенсивлиги 10 Вт/см^2 дан ошмайдиган лазер нурланишларга паст интенсивликдаги лазерлар дейилади ва асосан даволаш мақсадларида қўлланилади. Лазерли нурланишлари хайвон организмига кўп томонлама ижобий таъсир кўрсатади, жумладан касалликларга қарши курашиш қобилятини ҳамда маҳсулдорлигини оширади [3,4].

Натижалар. Паст интенсивликдаги лазер нурланиши билан таъсир кўрсатилган ва кўрсатилмаган кўзилардан ҳар бирида 15 бошдан 2 та (назорат ва тажриба) гуруҳлари ташкил этилиб, тажриба гуруҳи кўзилари 15-20 кунлик ёшидан паст интенсивликдаги лазер нурланиши билан 1,5 дақиқа давомида ҳар кунига 2 марта айрисимон беги жойлашган соҳага таъсир кўрсатилганлиги



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th October - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

билан назорат гуруҳидан фарқ қилди. Қолган барча тажрибаларни амалга ошириш технологик жараёнлари бир хилда амалга оширилди[5,6].

Жумладан ҳар иккала гуруҳдаги кўзилар тўғилган вақти, тирик массаси, ранги ва жинси бўйича аналог(бир хил) бўлиб, озиқлантириш ва парваришlash жараёнлари тавсия қилинган усулга мос ҳолда амалга оширилди. Тажрибадаги ҳар иккала гуруҳ кўзиларининг ҳар бирига яйлов озиқаларига кўшимча равишда кечкурун яйловдан қайтганидан кейин ўртача 200 граммдан арпа ёрмаси ва 400 граммдан ҳар хил ўтлар пичани билан озиқлантирилди. Озиқлантириш давомида арпа ёрмаси тўлиқ истеъмол қилинган бўлса, турли ўтлар пичанидан охурларда ўртача назорат гуруҳида 80-95 граммгача қолдиқ қолган бўлса, тажриба гуруҳида эса бу кўрсаткич 43-48 граммни ташкил қилди, демак тажриба гуруҳида 50% га кўп ўт, пичан истеъмол қилганлиги аниқланди[7,8].

Мувозанатли тажрибалар давомида кўзиларга тезак ҳалтаси боғланиб кундузи яйловда пода билан боқилди, кечкурун эса подадан ажратиб олиниб кўшимча озиқалар билан озиқлантирилиб эрталаб яна пода билан яйловга ҳайдалди. Яйловга ҳайдалишдан аввал тезак ҳалтасидаги қийнинг миқдоридан 10-15 % кимёвий таҳлил учун намуналар олинади. 7 кунлик мувозанат тажрибаси давомида кўшимча равишда, истеъмол қилинган озиқалар миқдори назорат гуруҳида 0,430 кг ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳи кўзилари томонидан бу кўрсаткич 0,472 кг ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳида нисбатан 9,77% га кўп истеъмол қилганлигидан далолат беради. Қиёсланаётган гуруҳлар кўзилари томонидан яйлов озиқаларига кўшимча равишда озиқлантирилган турли ўтлар пичани ва арпа ёрмасини истеъмол қилиш ҳисобига ҳар куни истеъмол қилинган қуруқ модданинг ҳазм бўлиш коэффициенти назорат гуруҳида 50,6% ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида 5,9% га юқори ёки 56,5% ташкил этди. Кавш қайтариш жараёнидаги қайта чайнаш натижасида бактериялар учун асосий озиқланиш маҳсулоти бўлиб хизмат қилувчи озиқаларнинг толали тузилмаларининг майдаланишини, озиқалар массасига микроорганизмларнинг таъсир кўрсатиш юзасини кенгайтиради, демак уларнинг ҳазм бўлишини оширади.

Кўзиларда кавш қайтариш жараёни одатда кечки озиқланиш тамомланганидан кейин 30-36 дақиқа ўтгач бошланди, бир кечада 4-6 марта кавш қайтариш жараёни кўзатилди ва уларнинг ҳар бири ўртача 22-25 дақиқа



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th October - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

давом этди, сунгра 35-65 дақиқа давом этувчи тинчлик давридан кейин яна кавш қайтариш жараёни бошланди.

Фойдалиниланган адабиётлар

1. Brun, L.V. Experimental study of the nonsteroidal anti-inflammatory drugs application under using low-intensity infrared laser radiation / L.V. Brun // Ukrainian Biopharmaceutical Journal. - 2017. - № 1. - с 30-34.
2. Афанасьев, М.А. Гистологические особенности мышечной ткани у молодняка овец при использовании биофизических методов / М.А. Афанасьев, Л.Н. Скорых, И.И. Дмитрик, А.С. Сергиенко // Вестник АПК Ставрополя. – 2018. – № 4 (32). – С. 55-58.
3. Алиев А.А. Обмен веществ у жвачных животных / НИЦ, Инженер, 1997. – 419 с.
4. Богданов, Н.И. Влияние низкоинтенсивного лазерного излучения с магнитной насадкой на гематологические показатели крови больных гастроэнтеритами подсосных поросят / Н.И. Богданов, М.П. Бабина, А.А. Барановский // Проблемы сельскохозяйственного производства на современном этапе и пути их решения: материалы XI Междунар. науч.-произв. конф. / БГСА. – Белгород, 2007. – С. 73.
5. Дегтярев В.П., Козлов А.С. Роль желудочно – кишечного тракта в межклеточном обмене веществ // Научный труды СевНИИЖа пос.Бишкеул .1984. вып.4.т.7 – С.20-24..
6. Методика опытов на сенокосах и пастбищах, часть 1. - М.: ВИК, 1971. - 229с.
7. Модянов А.В., Хаданович И.В. Методики и организация балансовых опытов на овцах для определения потребности и обеспеченности их организма в питательных веществах // Дубровицы-ВИЖ. – 1972. – 142 с.
8. Рядчиков, В. Г. Распадаемость кормового белка важный фактор эффективности использования азота и молочной продуктивности лактирующих коров /Эффективное животноводство. - 2019. - № 3 (151). - С. 42-49.

